

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

249 Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида» 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–276-сон Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 14 июнь,
174-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 14 июндаги 174-сон қарорига
1-ИЛОВА

Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ дафн этишга нафақа (кейинги ўринларда нафақа деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Нафақа мархумнинг эрига (хотинига), ота-онасига, фарзандларига ва бошқа қариндошларига ёки мархумнинг қонуний вакилига, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса — дафнни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга тайинланади ва тўланади.

Нафақа Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс — мархумнинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, бундай шахслар бўлмаган тақдирда эса — дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган бошқа жисмоний шахс;

ходим — иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган меҳнат муносабатлари субъекти, шу жумладан ишлайдиган пенсионер ёки давлат ижтимоий нафақаси олувчи ишловчи;

иш билан банд шахс — ўзини мустақил равишда иш билан таъминлаган жисмоний шахс, тадбиркор, шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган, ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида иш билан банд бўлган, бевосита мол ўстириш, чорвачилик ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ва сотишни амалга оширадиган тадбиркор, кўрсатиб ўтилган тоифадаги фуқароларнинг ишлаб чиқаришда қатнашувчи оила аъзоси, шунингдек оилавий тадбиркорлик субъекти ва ҳунарманд;

иш билан банд бўлмаган шахс — қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсиз сифатида расман рўйхатдан ўтказилган меҳнатга лаёқатли ёшдаги жисмоний шахс, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки машғулотга эга бўлмаган вақтинча иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахс;

таълим олувчи — қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ёки олий таълимдан кейинги маълумотга эга бўлиш мақсадида таълим муассасасида ўқиётган, ишловчи ҳисобланмайдиган жисмоний шахс;

бола — меҳнатга лаёқатли ёшда бўлмаган, таълим олувчи ҳисобланмайдиган жисмоний шахс;

фуқароларнинг айрим тоифалари — қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат таъминотидаги («Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларидаги, жазони ўташ жойларида ва ҳоказолардаги) жисмоний шахслар;

ходимнинг қарамоғидаги оила аъзоси — «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида тилга олинган ходимнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси.

4. Ушбу Низом мархум ҳарбий хизматчиларга, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларга, ички ишлар органларининг ҳарбий хизматни ўташда (ҳарбий йиғинлар), ички ишлар органларидаги хизматни ўташда вафот эт-

ган ходимларига ёки тинч даврда жароҳат (яраланиш, жароҳат, контузия) натижасида вафот этган ходимларига, шунингдек хизматда бўлишнинг чекланган ёшига тўлгандан кейин, саломатлигининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги хизматдан бўшатиш билан марҳум фуқароларга нисбатан қўлланилмайди. Уларни дафн этиш марҳум ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўтаган, ички ишлар органларида хизмат қилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

II. Нафақа тайинлаш ва тўлашнинг умумий қоидалари

5. Нафақа:

- а) давлат пенсияси олувчи пенсионер;
- б) давлат ижтимоий нафақаси олувчи фуқаро;
- в) ходим ёки унинг қармоғидаги оила аъзоси;
- г) бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этганда ёки ўлик бола туғилганда (перинатал ўлим);
- д) иш билан банд бўлган ёки банд бўлмаган шахс, фуқароларнинг айрим тоифаларига тегишли бўлган шахс ёки бола вафот этган тақдирда тайинланади.

6. Ушбу Низом 5-бандининг «а», «б», «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган шахслар вафот этган тақдирда нафақа Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси бўлими деб аталади) томонидан тайинланади.

Ушбу Низом 5-бандининг «в» кичик бандида кўрсатилган шахс вафот этганда нафақа корхона, муассаса ёки ташкилот (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) томонидан мазкур Низомда назарда тутилган тартибда тайинланади.

7. Ушбу Низомда назарда тутилган тартибда дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

8. Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган юридик шахсларга нафақа тўланмайди.

9. Нафақа учун унга бўлган ҳуқуқ юзага келгандан кейин 6 ой мобайнида мурожаат қилиш мумкин.

10. Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда зиммасига дафн этиш мажбуриятини олган шахсга «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасида белгиланган миқдорда нафақа тўланади.

11. Ушбу Низомнинг 5-банди «б», «в», «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган шахслар вафот этган тақдирда дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида нафақа тўланади.

12. Нафақа миқдори ўлим содир бўлган кундаги, асосли сабабларга кўра (марҳумни қидириш, жасадни хорижий давлат ҳудудидан олиб келиш ва

бошқалар) мархум ўлим аниқланган кундан кеч дафн этилган ҳолларда — ушбу ҳолатни тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида дафн этиш кунда мархумнинг пенсияси ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

13. Иш ҳақиға туман коэффициенти белгиланган туманларда ва жойларда нафақа миқдори туман коэффициентлари ҳисобга олинмасдан белгиланади.

14. Ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда нафақа уни тайинлаган ташкилот томонидан тўланади, кейинчалик кўрсатиб ўтилган сарф-харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади.

15. Нафақа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.

III. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби

16. Ушбу Низом 5-бандининг «а», «б» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган шахслар вафот этган тақдирда нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза мархумнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Ўлик бола туғилганда ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этган тақдирда (перинатал ўлим) нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахснинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

17. Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахснинг қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган аризаси нафақа тўлаш учун асос ҳисобланади:

ФХДЁ органи томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси. Ўлик бола туғилганда ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этган тақдирда (перинатал ўлим) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

ариза берувчининг паспорти нусхаси.

Ўлик бола туғилганда ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этган тақдирда перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотнома белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади.

18. Нафақа барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат қилинган кунда тайинланади.

19. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

ушбу Низом 5-бандининг «а», «б», «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган шахслар вафот этган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин нафақа учун мурожаат қилинганда;

ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилмаганда.

20. Нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлашни рад этиш Пенсия жамғармаси бўлимининг қарори билан расмийлаштирилади.

21. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими мурожаат қилинган кунда, рад этиш сабаблари ва қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган, ариза берувчи тақдим этган барча ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинган ҳолдаги билдиришно-мани ариза берувчининг қўлига беради ёки унга почта орқали жўнатади.

22. Ариза берувчи нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан бевосита судга ёки Пенсия жамғармаси бўлимининг юқори органига шикоят қилиши мумкин.

23. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ва нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарор тақдим этилган барча ҳужжатлар билан биргаликда нафақа олувчининг алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

24. Нафақани тўлаш пенсия тайинлаш тўғрисида мурожаат қилган ариза берувчи яшайдиган жойдаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқасининг объектлари операторлари ва провайдерлари (кейинги ўринларда почтанинг таркибий бўлинмалари деб аталади) орқали Пенсия жамғармаси бўлими томонидан амалга оширилади.

25. Пенсия жамғармаси бўлими қуйидагиларга мажбур:

хар бир тўлов ойи бошида ўтган ой учун нафақа тури бўйича тўланган маблағлар умумий суммасидан кам бўлмаган миқдордаги нафақа тўлаш учун зарур маблағларни почтанинг тегишли таркибий бўлинмалари депозит ҳисоб рақамларига молиялаштириш;

ариза берувчи мурожаат қилган кунда нафақа тўлашга ведомость ва реестрни расмийлаштириш ҳамда ариза берувчига нафақа тўлашни амалга ошириш учун уларни почтанинг тегишли таркибий бўлинмасига тақдим этиш.

Тўлов ойдан кейинги ойнинг 7-кунидан кечикмай почтанинг таркибий бўлинмаси ва Пенсия жамғармаси бўлими амалда тўланган маблағлар суммаси ва нафақа олувчилар сони тўғрисида таққослаш далолатномасини тузадилар.

26. Почтанинг таркибий бўлинмаси томонидан нафақа Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тақдим этилган ведомость ва ариза берувчининг паспорти асосида нақд пул маблағлари билан тўланади.

27. Почтанинг таркибий бўлинмалари нафақани Пенсия жамғармаси бўлимларидан олинган ведомостларга қатъиян мувофиқ равишда ҳамда тижорат банкларининг хизмат кўрсатувчи филиалларидан олинган нақд пул маблағларидан ўзи жойлашган жой бўйича тасдиқланган буюртманомаларга мувофиқ тўлайди.

IV. Ташкилот томонидан нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби

28. Ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ташкилот маъмуриятига берилади.

29. Нафақа ходимнинг асосий иш жойи бўйича ташкилотнинг ижтимо-

ий суғурта комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан тайинланади. Комиссиянинг таркиби ва раиси ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

30. Комиссиялар бўлмаган ташкилотларда нафақа ташкилот раҳбарининг буйруғи билан бундай ваколат берилган шахс томонидан тайинланади.

31. Мархумни дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс томонидан қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган ариза нафақа тайинлаш учун асос ҳисобланади:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ФХДЁ органи томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

б) ходимнинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси ёки мархумнинг ходим билан қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган ҳужжат (туғилиш ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар);

в) ариза берувчи паспортининг нусхаси.

32. Нафақа барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат қилинган кунда тайинланади.

33. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

ходимнинг ёки унинг қарамоғидаги оила аъзосининг вафотидан 6 ой ўтгандан кейин мурожаат қилинганда;

ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилмаганда.

Нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлашни рад этиш комиссиянинг протокол қарори ёки ташкилот раҳбарининг буйруғи билан бундай ваколат берилган шахснинг қарори билан расмийлаштирилади.

34. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда корхона рад этиш сабабларини ва қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартибини кўрсатган, ариза берувчи томонидан тақдим этилган барча ҳужжатларнинг асл нусхаларини илова қилган ҳолда билдиришномани ариза берувчининг қўлига беради ёки унга почта орқали юборади.

35. Нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан ариза берувчи бевосита судга ёки Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлимига ёхуд, мавжуд бўлса, юқори органига шикоят қилиши мумкин.

36. Ташкилот қайта ташкил этилганда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга ушбу Низомга мувофиқ нафақа тайинлаш ва тўлаш ташкилотнинг ҳуқуқий вориси томонидан амалга оширилади.

37. Ташкилотда, унинг раҳбарияти тасдиқлаганидек, маблағлар йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли нафақа тўлаш мумкин бўлмаган, шунингдек нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган муддат мобайнида ташкилот тугатилган тақдирда нафақа Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тайинланади.

38. Ташкилот томонидан нафақа ведомость ва ариза берувчининг паспорти асосида нақд пул маблағлари билан тўланади.

39. Ташкилотнинг бош (катта) бухгалтери комиссия билан бир қаторда нафақа тўлашга маблағларнинг тўғри сарфланиши юзасидан жавоб беради.

40. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ва нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор тақдим этилган барча ҳужжатлар билан биргаликда ташкилот бухгалтериясида сақланади.

Ҳ. Яқунловчи қоидалар

41. Нафақага солиқ солинмайди ва ундан ушлаб қолинмайди.

42. Нафақанинг асоссиз ва ноқонуний тўланиши ҳолатлари аниқланган тақдирда ариза берувчига тўланган нафақа суммаси суд тартибида ундирилади.

43. Тижорат банкларининг почтанинг тегишли таркибий бўлинмаларига ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи филиаллари уларни нафақа тўлаш учун зарур бўлган нақд пул маблағлари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича барча чораларни кўриши керак.

44. Нафақаларни тўлаш ва етказиб бериш бўйича харажатларни (банк хизматлари учун ташкилот харажатлари ҳисобга олинмаган ҳолда) молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

45. Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс вафот этган тақдирда олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва ота-онага, эрига (хотинига), шунингдек нафақа олувчи вафот этган кунда у билан биргаликда яшаган оила аъзоларига тўланади.

Нафақа тайинлаш ва тўлаш, ушбу Низомнинг III бўлимига мувофиқ, нафақа олувчи марҳумнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан амалга оширилади.

Бир неча шахс мурожаат қилган тақдирда уларга тегишли бўлган нафақа суммаси улар ўртасида тенг тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма нафақа юзасидан нафақа олувчи марҳумнинг вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 14 июндаги 174-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 133-бандидаги «суғурта кассасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжалиги аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 50-модда):

а) Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибида (1-илова):

3-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Тадбиркор бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган тақдирда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади»;

3-иловадаги «Ижтимоий суғурта бўйича тўланган тўловлар тўғрисида маълумотлар (Дафн этиш учун нафақа)» устуни чиқариб ташлансин;

б) Деҳқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомда (2-илова):

3-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Деҳқон хўжалиги аъзоси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган тақдирда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади»;

3-иловадаги «Ижтимоий суғурта бўйича тўланган тўловлар тўғрисида маълумотлар (Дафн этиш учун нафақа)» устуни чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 8-банди «в» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «ҳамда дафн маросими нафақаларини» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 14 июндаги 174-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 149-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 22-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари)» 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига 1-илованинг 24-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 3-сон, 12-модда).